

HUQUQ

34

(401)

YURIDIK GAZETA

August

D.	1	8	15	22	29
S.	2	9	16	23	30
Ch.	3	10	17	24	31
P.	4	11	18	25	
J.	5	12	19	26	
Sh.	6	13	20	27	
Y.	7	14	21	28	

2005

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqib boshlagan.

WWW.HUQUQ.UZ. E-mail: Info@huquq.uz



Пойтахтимиздаги япон боғи дам олувчилар билан доимо гавжум

Абдувоҳид Тўраев олган сурат

АНЖУМАН

ЭСДА ҚОЛАРЛИ ТАДБИР

2005 йилнинг 17 августи «Qonun himoyasida» бирлашган тахририяти учун эсда қоларли кун бўлиб, «Huquq» газетасининг 400-сони ўқувчиларга тақдим этилди.

Шу муносабат билан пойтахтимиздаги «NBU» гузарида матбуот анжумани ўтказилди. Анжуманини Республика Бош прокуратураси қонунчилик тарғиботи бўлими бошлиғи Светлана Ортиқова кириш сўзи билан очди. «Qonun himoyasida» бирлашган тахририяти бош муҳаррири Абдуҳолиқ Абдураззоқов газетанинг фаолияти тўғрисида қисқача сўзлаб берди.


Республика Бош прокуратураси Қонунчилик муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш маркази директори Эркин Абзалов оммавий ахборот воситаларининг ҳуқуқий тарғиботдаги ўрни ва роли ҳақида маъруза қилди.

Анжуманда сўзга чиққан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодиров, Ўзбекистон халқ артистлари Ёқуб Аҳмедов ва Бахтиёр Ихтиёров, сиёсий шарҳловчи Қобилбек Каримбеков, Жиззах вилоят прокурорининг ёрдамчиси Гулнора Ҳамроева ва бошқалар прокуратура фаолиятининг ошқоралигини таъминлаш, аҳолига қонунийларимиз моҳиятини етказишда «Huquq»нинг алоҳида ўрни борлигини таъкидлашди.

Бундан ташқари матбуот анжуманида республикамизда чоп этилаётган ҳуқуқий нашрларнинг бош муҳаррирлари, фаол муаллифлар ва газета фаолиятига катта ҳисса қўшиб келаётган ёзувчи ва шоирлар, таникли санъаткорлар иштирок этишди.

Ўзбекистон ва Туркменистон халқ артисти Бобомурод Ҳамдамов ва ўғли Шамсиддин Ҳамдамовлар дилбар қўшиқлари билан анжуманга ажиб тароват бахш этишди.

Анжуман сўнггида фаол муаллифларга мукофот ва эсдалик совғалари топширилди.



Суратларда: Тадбирдан лавҳалар. Суратлар муаллифи Абдувоҳид Тўраев

ОЛИЙ МАҲЛИС СЕНАТИДА

ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНАДИ

19 август куни Олий Мажлис Сенати Кенгашининг мажлиси бўлди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов қатнашди ва нутқ сўзлади.

Мажлисида 26 август куни очиладиган Сенатнинг навбатдаги сессиясида кўриладиган масалалар ҳақида атрофлича фикр алмашиб, бу сессияни юқори даражада ўтказиш, унинг кун тартибига бугунги ҳаётнинг ўзи тақозо этаётган долзарб масалаларни кириштириш зарурлиги таъкидланди.

Шуни қайд этиш лозимки, мазкур йиғилишда Олий Мажлиснинг қўйи – Қонунчилик палатаси раҳбарияти, кўмита ва партия фракцияларининг раҳбарлари ҳамда фаоллари иштирок этгани учрашувга алоҳида маъномазмун бағишлади.

Йиғилиш муҳокамасига қўйилган асосий масала, яъни Қашқадарё вилоятидан сайланган сенаторларнинг «Хонобод» шаҳарчасидаги аэродромда жойлашган АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари контингентини Ўзбекистон ҳудудидан олиб чиқиш ҳақидаги мурожаати билан бирга, Андижон шаҳрида шу йилнинг 12-13 май кунлари содир этилган фожеали воқеаларга баҳо бериш масаласи ҳам кўрилди.

ХАВАР

Миллий матбуот марказида

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитаси ташаббуси билан Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси ва Миллий матбуот маркази ҳамкорлигида «Жамиятимиздаги ҳуқуқий ислохотлардан мақсад: инсонларварлик, бағрикенглик ва адолат» мавзусида семинар бўлиб ўтди.

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этдилар.

Семинарни Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси раиси Ш.Ғуломов кириш сўзи билан очди. Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари кўмитасининг раиси Н.Исмоилов ўз сўзида яқинда эълон қилинган «Ўзбекистонда ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлар республикамизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ тизимидаги ислохотларнинг янги босқичи эканлигини таъкидлади.

Ушбу фармонларнинг мазмун-моҳиятини Қонунчилик палатаси депутатлари Ф.Комилов, А.Тўхташев ва Р.Зариповлар ўз маърузаларида кенгрок ёритдилар.

Сўзга чиққан оммавий ахборот воситалари вакиллари С.Остонов ва Б.Юнусов фармонлар моҳиятини аҳоли қатламларига етказишда журналистлар зиммасига катта масъулият юкланишини таъкидлашди.

Анжуманда бундай тадбирларнинг тез-тез ўтказиб турилиши мақсадга мувофиқлиги ва улар суд-ҳуқуқ тизimini янада либераллаштиришга кўмак бериши алоҳида таъкидланди.

СВОЖЖК ДЕПАРТАМЕНТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

Косонсой туман бўлини маси суд ижросиси Х.Расулов эгаллаб турган лавозимидан озод қилинган бўлса-да, хусусий тадбиркорни алдаш йўли билан унинг 1 млн. 124 минг сўм пулини молиявий жарима учун деб осонгина қўлга киритади. Текширишларда Х.Расулов суд ижросиси бўлиб ишлаб юрган вақтида жарима учун олинган 1 млн. 88 минг сўмлик нақд пуллари ўзлаштирилганлиги ҳам маълум бўлди.

«Усаноатқурилишбанк»нинг Шарғун филиали валюта айир-бошлаш шахобчаси назоратчиси О.Муқомов ўлган кишини ҳам тириштириб юборадиганлардан чиқиб қолди. Буни қарангки, назоратчи 2004 йил 23 июнда вафот этган М.Махмудовнинг номига 2005 йил 4 февралда 10 минг АКШ доллари сотилганлиги ҳақида ҳужжатни расмийлаштириди. Аслида бу ҳужжатлар қалбаки бўлиб, назоратчи долларларни номалъум шахс-ларга сотиб юборган экан.

Гулистон шаҳридаги «Улугбек Кодир Аф» хусусий корхонаси раҳбари Э.Ғаниев шахар ҳокимлигининг «Тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекцияси» мансабдорлари билан келишиб, устав жамғар-масини шакллантирмаган ҳолда улгуржи савдо билан шугулланиш рухсатномасини олади. Ва ноқонуний равишда 263 млн. 602 минг сўмлик товар айланма-сини амалга оширади.

Янгийўл шаҳрида яшовчи М.Усмонов белгиланган тартиб-да давлат рўйхатидан ўтмасдан, акциз маркалари бўлмаган 3322 қўти тамаки маҳсулотлари ҳамда акциз маркалари елимланмаган 6574 қўти тамаки маҳсулотлари-ни ноқонуний равишда дўконда сотаётганлиги аниқланган. Ушбу маҳсулотлар далилий ашё сифатида олиб қўйилган.

Данғара туманидаги «Shon efrom dil» хусусий корхонасида ўтказилган текширишда корхона раҳбари С.Холматов қалбаки рухсат гувоҳномаси асосида 2005 йил давомида 1 млрд. 152 млн. 666 минг сўмлик товар айланмасини амалга оширган-лиги ҳамда пул ўтказиш йўли билан сотиб олган 145 млн. 565 минг сўмлик харидориги маҳсулотларини қайта сотиб, савдо пуллари НКМдан ўтказмаганлиги маълум бўлди.

Пахтабод туманидаги «Янги турмуш» ва «Намуна» ширкат ҳўжаликлари мансабдорлари ғалла ўрим-йигимидан унумли фойдаланиб қоладиганлардан экан. Улар «Қўқорбой», «Сайда-нов Хусанбой» фермер ҳўжалик-лари мансабдорлари ҳамда фуқаро Б.Кодиров билан келишиб, 2005 йилги ҳўсилдан 69.450 кг. бугдойни қалбаки ҳўжатлар асосида товар айир-бошлаш йўли билан сотиб юборишади. Лекин уларнинг савдоси охирига етмай қолди ва мазкур бугдой далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Юқоридаги барча ҳўлатлар юза-сидан ЖКнинг тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилган.

ПРОКУРАТУРА НАЗОРАТИ

Вилотимизда мамлакатимизнинг барча минтақаларида бўлгани каби қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги ислохотлар давом этмоқда. Ер майдонларининг ишбилармон деҳқонларга узок мuddатга ижарага берилиши — фермерчиликнинг ривожланишига бош омил бўлиши табиий. Ерни ўзиники дея ҳис қилган, албатта, ундан мўл ҳўсил етиштириб, юксак ҳилмон кўтаришига интилади. Чунки, бундан фермернинг ўзи ҳам катта фойда кўради.

ни навлар бўйича жойлаштириш тўғри-сида»ги қарори иж-росини таъминлаш борасида ҳам вилоти-тимизда қўлгина ишлар қилинди.

Лекин ушбу қарор ижросини таъмин-лашда ҳам қонунбу-зилишлариға йўл

Агротехник қоидалар бўйича вилотда пахта билан ёнма-ён бўлган майдонларға шолӣ эки-лиши тақиқланган бўлса-да, Бо-ғот туманида 9,5 гектар, Гурлан-да 116 гектар, Қўқшқўпирда 74,7 гектар, Урганчада 71,5 гектар шолӣ пахтазор ёниға экилган. Бу эса, пахта майдонларининг шўрлани-шиға олиб келиши мумкин.

Вилотда пахта экиш ва етиш-

тириш жараёни-да йўл қўйилган қўпол қонунбу-зилиш-лар бўйи-ча 4 та жиноят

иши қўзғатилган. Гурлан туманидаги «Қорақалпоғистон» ММТПда агротехника қоидаларига зид равишда 11,2 гектар кучли шўрланган ерга 1.134.141 сўм харажат қилиниб, 2 марта такорран чигит экилган. Урганч туманида 4 та ММТП ва 161 та фермер ҳўжалиги томонидан 457,3 гектар ерга чигит режада-гидан кам экилган.

Прокуратура органлари томо-нидан аниқланган қамчиликлар-ни бартараф қилишға деҳқон-лар, соҳа мутасаддилари ўз вақ-тида киришса, натижаси ёмон бўлмайди. Улкан оқолтин ҳилмо-ни тикланиб, вилотимизнинг давлатға пахта сотиш режаси ёруғ юз билан уddаланаяди. Бу борада масъулиятни қучайтириш даркор.

Қурбондурди НУРМАТОВ,
Хоразм вилот прокуратураси
бўлим бошлиғи

Қишлоқ ҳўжалигининг пахта-чилик, ғаллачилик, полизчилик каби соҳаларини ривожлантириш деҳқон-фермер ҳўжаликларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қоляпти. Утган йили вилот-да давлатға бугдой ва пахта сотиш режаси бажарилди. Бунда прокуратура ҳодимларининг ҳам оз бўлса-да ҳиссаси бор.

Бу йил Шовот туманида дав-латға ғалла сотиш режаси ба-жарилмай қолди. Бунинг бир неча сабаби бор. Аввало 169 гектар ғалла кеч сугорилган. Ҳеч кимға сир эмас, Хоразм воҳасида су-форма деҳқончилик асосий ўрин тутайди. Далалар ўз вақтида су-горилмаса, қўзланган ҳосилни олиш қийин. Ушбу туманда 73 гектар ерга минерал ўғитсиз уруғ экил-ган. Оқибатда салбий ҳўлатлар келиб чиққан.

Вазирлар Маҳкамасининг «2005 йилда пахта етиштириш-нинг прогноз ҳажмлари ва ўза-

қўйилганлиги маълум бўлмоқда. Жумладан, Гурлан, Шовот туман-ларида пахта етиштириш икони-яти бўлган айрим фермер ҳўжа-ликлари асоссиз равишда шарт-нома тузмаганлиги аниқланган.

Гурлан туманидаги «Ўзбекис-тон», «Гулистон», «Янгиобод» ММТП ҳудудларидаги фермерлар шартнома тузишни экиш мuddа-тигача атайин кечиктириб кел-ганлар.

Вилот прокуратураси арала-шуви билан 59 та фермер ҳўжа-лиги томонидан 320 гектар унум-дор ерга 671 тонна пахта етишти-риш ва сотиш юзасидан қўшимча равишда шартнома тузишға эри-шилди. Бундай ҳўлатға Шовот ту-манида ҳам йўл қўйилган. Ачи-нарлиси шунки, «Шовот пахта то-залаш» ОТАЖ билан пахта етиш-тирувчи ҳўжаликлар ўртасида ту-зилган 909 та шартноманинг 154 таси ноқонуний тузилиб, рўйхат-дан ўтказилишиға йўл қўйилган.

NAFSIM MENING BALODUR...

Жиноят ишлари бўйича Қўшра-бот туман судида судланувчи Махмуд Ғарнабоевнинг иши қўриб чиқилди. Ашёвий далиллар ва гувоҳларнинг қўрсатмалари судланувчининг Қўшработ дон қабул қилиш корхонасида омбор мудири бўлиб ишлаган пайтда амалга оширган ноқонуний ишларини фош этди.

Сўнги пушаймон ёмон

Махмуд Ғарнабоев «Каттакўрғон дон маҳсулотлари» АЖ филиалиға қарашли корхонада ишлаб, 2002 йилги мавсумда 894.700 кг. бугдойни қабул қилиб олади. Унинг 152 тоннасини Нурота туманидан келган нотаниш фуқароларға ҳар кило-граммини 45-50 сўмдан пуллаб юборайди. Хом сўт эмган банд қилмишининг охири нима билан тугагини уйлаб ҳам ўтирма-ди. Аксинча, бўйида осилиб қолган 152 тонналик қамомаддан қутулиш йўлини из-лай бошлади. Бунинг учун ғалланинг 2002 йилги қирим ва қичим китобини қайтадан ўкиб чиқади. Сўнг корхонада бугдойни тозалаш ишлари ўтказилмаган бўлса-да, «Каттакўрғон дон маҳсулотлари» филиали собиқ таҳлилхона мудири И.Шукурскаяни жиноятиға шерик қилиб, сохта «тозалаш» даполатномасини тузишади. Шу йўл билан 152 тонна бугдойнинг биринчи ва иккинчи даражали чиқитларға чиққани қўрсатилган сохта ҳўжатлар жамланди. Қилмишини яширган мудири ўз ишдан руҳланиб, ўғирлик билан топилган 8.552.280 сўмини ўз манфаатиға сарфлаб юбораверди.

Аммо сирни ошкор бўлиб қолган, М.Ғарнабоев етказилган зарарни қоплашға мажбур бўлди. Шунингдек, 3 йил мuddатға ахлоқ тузатиш иши жазосига тортилди.

Тўравой ЎТАШЕВ,
Самарқанд вилот прокуратураси
бўлим бошлиғи



Тошкент шаҳар прокуратураси жиноятларини тергов қилиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари У.Сулдаймонов ва Э.Илмомжонов янги топшириқ олинди.

SHANAR BEDARVOZA EMAS

Мулла қилганини қилиб...

Навоий вилот прокуратураси органлари томо-нидан вилотдаги қасб-хунар коллежларида кадр-ларни танлаш, ўқувчиларни қасбға тайёрлаш, тар-бия ишларининг сифати ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш учун давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг ишлатилиши ўрганилди. Афсуски, ушбу йўналишда бир қатор қонунбузилишларға йўл қўйилганлиги аниқланди.

Нурота туманидаги педагогика қасб-хунар кол-лежининг «Тир» (ўқ отиб маш қилиш) биносида «Навоийдеҳқонқурилиш» АЖ томонидан 7 млн. 765 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилган-лиги тегишли ҳўжатларда қайд қилинган бўлса-да, аслида 1 млн. 538 минг сўмлик иш қўшиб ёзилиб, бюджетта зарар етказилган.

Шу тумандаги 900 ўринли қишлоқ ҳўжалик қасб-хунар коллежидан ҳам 695 млн. 592 минг сўмлик қурилиш ишларини бажариш чоғида «Шодлик» иш-лаб чиқариш кичик корхонаси раҳбари Ш.Мергано-

ва ва коллеж маъмурияти келишувига асосан асли-да бажарилмаган ишлар қилинди деб ҳўжатлаш-тирилган. Андиқроғи 1 млн. 88 минг сўмлик асфалт ётқиқиш ишлари ва 134,4 минг сўмлик ёнгиниға қарши сўв ҳавзасини қўмиш ишлари қўшиб ёзил-ган.

Ҳар иккала ҳўлат бўйича вилот прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилди.

Кониҳ туманида жойлашган қасб-хунар кол-лежиде эса бу ҳўлат бошқачароқ тус олган. Собиқ директор И.Нарзиев иш ҳақи ва сафар харажатлари ҳисобидан 717.847 сўмини ўзлаштирган. Қовун қовундан ранг олади деганларидек, собиқ бош ҳисоби 3.Сандибаева ҳам 166.325 сўм, собиқ сир эса 165.284 сўм пулни ўзлаштирилган. Суд мазкур қишлоқ иши юзасидан ўз ҳукмини чиқарди.

А.МУСТАНОВ,
Навоий вилот прокуратураси бўлим бошлиғи

KUFYONA IQTISODIYOT

Яширин цеҳларға тўсиқ қўйайлик

Қўп ҳолларда бинойидек ишлаб турган дўконнинг бирданиға ёпи-лганиға ёки ижараға берилиши ҳақидаги эълонға қўзимиз тушиб қолади. Нимаға бундай бўлганини ҳамма ҳар хил изоҳлайди. Асил са-бабини дўкон эгасидан сўрасангиз ҳақиқатни англагандек бўласиз. «Тек-ширувчилар безор қилиб юборди. Бирн солиқданман деб, бири санэ-пидстанцияданман деб келади. Ёлиб қутулмасам қутуладиганға ўхшайман». Тадбиркорнинг зор-ланганича бор. Қачонки унинг фео-лиятига бўлар-бўлмас аралашиб бўлаверар экан, тадбиркорлик орқа-ға кетаяверади, ривожланиш бўлмай-ди. Яқин-яқингача, яъни ҳукумат то-монидан ҳўжалик юритувчи субъект-лар ва тадбиркорлар феолияти эри-килиги ҳамда қалолатларини тар-тиб-га солувчи норматив ҳўжатлар қабул қилингунига қадар назорат органлари қонунбузилишлар ҳақида келиб тушган барча ариза, жумла-дан аноним аризалар бўйича ҳам тўғридан-тўғри режалаштирилмаган текширишларни ўтказиб, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг феоли-ятиға аралашиб кетаяверарди. Бу эса тадбиркорликнинг жадал ривожла-нишиға салбий таъсир қилган. Эн-диликда ҳар қандай текшириш назо-рат қилувчи органлар феолиятини мувофиқлаштирувчи махсус орган-нинг руҳсати билан ўтказилиши бел-гилаб қўйилди.

Афсуски бундай имкониятдан са-маралли фойдаланмай қонунбузи-лишға йўл қўётган, даромадини яшириб, пул тушумларини банкка топширмаётган тадбиркорлар ҳам учраб турибди.

Қўш шаҳрида яшовчи З.Аймбе-това Махтумқули кўчасидаги 14-ўйда яширин цеҳ ташкил қилиб, қўлбола ароқ ишлаб чиқараётгани аниқлан-ди. Цеҳ қўздан кечирилганда 134 шиша акциз маркаси «Қаратау» ароқлари, 75 литр спирт, ароқ проб-каларини босадиган қўлбола станок ва яна қўллаб этикетка ҳамда проб-калар далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Бундай яширин цеҳларнинг те-гирмонига қимлар сўв қўймоқда, хом-ашё билан қимлар таъминлая-пти? Аниқланишича, бу каби цеҳлар яширин йўллар орқали олиб кели-наётган спиртни қайта ишлайдиган «корхона» сифатида фаолит юри-ган.

Нукус шаҳрининг Қўжайли гуза-рида яшовчи Г.Юсупова ўз уйида сирими 1,5 литрлик баклажжаларға қўйилган спиртни фуқаро П.Калли-бековға тегишли «Дамас»га юклаб-тганда ушланган. Текширув вақти-да Г.Юсупованинг уйида 1125 литр спирт борлиги маълум бўлди.

Ушбу ҳўлатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, суд томонидан тегишли жазо тайинланди.

С.ҚУРБОНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси
СВОЖЖК бошқармаси бошлиғи



Бош мақсадимиз: Инсонпарварлик, бағрикенглик ва адолат

Тарихга мурожаат қилсак, совет ҳукуматининг ўлим жазосига муносабати бир хил бўлмаганини кўрабиз. Гарчи Ўзбекистон иттифок таркибига 1924 йилда аъзо бўлган бўлса-да, лекин иттифокнинг 1917 йил октябр воқеаларидан кейинги сиёсати кўп йиллар республикамиз ҳаётига салбий

ни таҳлил қилиш мамлакатда ўлим жазосидан асосан ҳур фикрлиги билан ажралиб турган, совет мафкурасига қарши қайфиятда бўлган кишиларни «ватан хоини» деб эълон қилиш ва йўқ қилиш қуроли сифатида фойдаланилган деган ҳулосани келтириб чиқаради.

Афсуски, фактлар яқин ўтмишда ҳам дастлабки тергов ва судда инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг поймол этилганидан дарак беради. 1990-йилларда «Знамя юности» газетаси Беларусда Владимир Тойсев деган кишининг жиноят иши ҳақидаги хабарни босиб чиқарди. Тойсев хотинини ўлдирганликда айбланган ва ўлимга ҳукм қилинган. Унинг апелляция шикоятни рад қилинган ва у ҳукми ижросини кутиб ўлим камерасида 18 ойни ўтказган. Сўнгра авф этилиб, жазо 15 йилга

95 фоизда судланувчи оқланган ёки ўлим жазоси енгилроқ жазога алмаштирилган. Шунингдек, маълум бўлганки, судлар олдиндан одамларнинг муайян гуруҳига ўлим жазосини кўпроқ тайинлаш қайфиятида бўлганлар. Масалан, Шимолий Америка ва Европада ўлим жазоси кўпроқ қора танили аҳоли яшайдиган ҳудудларда чиқарилган. Судьялар сайланадиган давлатларда улар жамоат фикрига, ОАВ таъсирига кўпроқ берилувчан эканлиги аниқланган. Жамиятда криминоген ҳолат қанчалик ёмон бўлиб, суд ҳокимияти иқтисодий ва ижтимоий жиҳатдан яхши таъминланмаган экан, ҳукм чиқаришда суднинг ҳато қилиш эҳтимоли ҳам шунча юқори бўлади. Худди шунингдек, жабрланувчининг ижтимоий-иқтисодий мақоми қанчалик банд бўлса ёки у

Муҳими жазонинг муқаррарлиги

Мамлакатимизнинг суд-ҳуқуқ тизимида собитқадамлик билан ўтказилаётган ислохотлар, хусусан жазо тизимини либераллаштириш борасидаги сиёсатда бўлаётган туб ўзгаришлар жамият ҳаётини янада демократлаштириш жараёнига ижобий таъсир ўтказмоқда.

Жумладан, мазкур ислохотлар асосида республика пенитенциар системасида сўнгги йилларда амалга оширилган ишлар натижасида тергов ҳибсхоналари ва озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ колонияларида сақланаётганларнинг сони қарийб икки баравар камайди.

Оқибатда собиқ тузумдан мерос бўлиб келаётган маҳбусларнинг белгиланган меъёрдан ортиқ сақланишига бутунлай чек қўйилди. Бу уларнинг моддий ва маиший таъминоти, шунингдек тиббий хизмат шароитининг яхшилианишига, меҳнатга жалб қилиш имкониятининг кенгайишига олиб келди. Ижтимоий ҳавфли бўлмаган жиноятлари содир этганлар панжара ортга жўнатилмайдиган бўлди. Қамоққа олиш ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси аксарият ҳолларда оғир, ўта оғир жиноятлари содир этганлар, рецидивистларга нисбатан қўлланилаётди.

Озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни кўпроқ қўллаш, яъни жиноят содир этган шахсларни жамиятдан, оиласидан ажратмай, уларда қонунга риоя қилиб, уни ҳурмат қилувчи ҳаёт кўникмаси ҳосил қилдириш муҳим мезонга айланди.

Ўзбекистон президентининг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони эса мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асослари ислоҳини давом эттирган муносиб қадам, конституцияимизда битилган инсонпарварлик ва одиллик тамойилларининг исботи бўлди.

Шу билан бир қаторда давлатимизнинг ҳақон ҳамжамиятининг муносиб аъзоси сифатида қатор халқаро ҳужжатларни ратификация қилиши муносабати билан зиммасига олган, айни чоғда мамлакатимизда демократия умуминсоний принципларга асосланиши, унга кўра инсон, унинг ҳаёти олий қадрият ҳисобланиши тўғрисида ўз конституциясида муҳрланган мажбуриятининг ижросини таъминлади.

Табийки, нафақат мамлакатимиз жамоатчилиги орасида, балки бошқа давлатларнинг афкор оммаси орасида ҳам яшаши жамият учун ҳавфли бўлган ашаддий жиноятчиларга нисбатан ўлим жазоси қўлланилиши тарафдорлари ҳамisha кўпчилики ташкил қилиб келган ва ҳозирда ҳам шундай.

Бироқ, кўплай миллатларнинг дунёқараши илгарилар бораётганлиги боис ҳозир дунё ҳамжамиятининг қарийб етмиш давлатида бундай тарздаги жазодан мутлақо воз кечилган. Ва йилига уларнинг сафи камида иккитадан давлатга кўпаймоқда.

Хусусан, мамлакатимизда ҳам мазкур жазо турига бўлган муносабат ўзгараётди. Масалан, «Ижтимоий фикр» жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ўтказган социологик сўров натижасида аён бўлдики, жазо тури сифатида ўлим жазоси қўлланилиши тарафдорларининг сони 1999 йилдаги 76,9 фоиздан жорий йилда 70,9 фоизга қадар камайган.

Чунки, жиний жазонинг шафқатсизлиги асосида жиноятчиликни енгиб бўлмаслигини, ушбу салбий жараён ҳаётдаги, жамиятдаги кўплай объектив ва субъектив омиллар ҳосиласи эканлигини тарих, воқелик ва ҳаётий тажриба, тегишли криминологик, шунингдек бошқа турдаги тадқиқотлар натижалари аллақачон тасдиқлаган. Шу билан бирга жиноятларга қарши қўлланиладиган жазо сиёсатида асосий жиҳат унинг даражаси эмас, балки жазонинг муқаррарлиги ҳисобланади. Энг муҳими ушбу қонданнинг биринчи навбатда ўта оғир жиноят содир қилган шахсларга нисбатан оғишмай татбиқ этилишидир.

Ўлим жазоси ўрнига қўлланиладиган умрбод қамоқ ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазоси ўзининг оғирлиги ва қаттиқлиги билан бекор қилинаётган жазо туридан қолишмайди. Чунки қонунлари шундай тарзда ўзгартирилган давлатларнинг тегишли муассасаларида ушбу турдаги жазони ўтаётган маҳкумларнинг гувоҳлик беришларича, бу ҳам қатл, фақатгина унинг ижроси вақтига кўра узок муддатга чўзилган.

М.МИРСОЛИХОВ,
Республика Бош прокуратураси бошқарма бошлиғи

Халқимиз адолатли жазо тарафдори

2008 йил 1 январдан бошлаб ўлим жазосининг бекор қилиниши Ўзбекистонда

Ўтказилаётган ҳуқуқий ислохотларнинг мантикий давоми бўлди.

Таъкидлаш жоизки, ҳақон жамоатчилиги мазкур жазони бекор қилишда суд томонидан айбисиз шахсининг қатл қилиниши эҳтимолини асосий сабаб қилиб кўрсатади. Дарҳақиқат, ўлим жазоси сақланиб қолар экан, айбисиз одамни қатл қилиш эҳтимоли ҳам мавжуд бўлишини таъкидлаш лозим.

таъсир кўрсатиб келди. Мазкур воқеалардан сўнг ўлим жазоси бирмунча вақт бекор қилинган бўлса-да, фўқаролар уруши муносабати билан 1919 йилда яна тикланган. Шу тарика кейинги йилларда ҳам ўлим жазоси ҳарбий ҳолатни ҳисобга олган ҳолда «халқ душманлари»га қарши курашни кучайтириш баҳонаси билан қайта тикланиб турган. Қайд этиш керакки, «халқ душмани» термини ўша йиллардаги расмий ҳужжат ва юридик қўлланимларда жуда кенг талқин қилинган. Халқ комиссарлари совети (ХКС)нинг 1932 йил 7 августдаги «Давлат қорхоналари, колхозлар, кооперативлар мулкани муҳофаза қилиш, жамоат мулкани мустаҳкамлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ жамоат мулкига таъовуз қилган кишилар халқ душмани ҳисобланган. Сталинча террорнинг авж олиши 1932 йил 1 декабрга тўғри келади. Шу кунки ХКСнинг «Иттифокчи республикаларнинг Жиноят ва Жиноят-процессуал кодексларида ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинган. 5 декабрда шу қарор асосида НКВД қошида махсус бўлим ташкил этилиб, унга ижтимоий ҳавфли деб топилган шахсларга нисбатан судсиз сўргун, бадарга қилиш ва лагерьга юбориш каби жазоларни қўллаш ваколати берилган. Жазони ижро этиш жойларидаги чидаб бўлмас шариот натижасида эса миллионлаб маҳбуслар нобуд бўлган. Инсон ва унинг ҳуқуқлари пасман катта бойлик сифатида тан олинган бўлса-да, аслида инсон қадр-қимматининг ерга урилиши ва камситилиши оддий ҳолга айланган эди. Бундай вазият қатагон йилларда миллионлаб одамларнинг отиб ташланиши ёки бошқача усуллар билан йўқ қилинишига олиб келди. 1930-40-йиллари СССР Жиноят кодексига 42 та жиноят учун ўлим жазоси белгиланганининг ўзи фикримизга далил бўла олади.

Ушбу даврга оид маълумотлар-

озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилган. Жазонинг 14 йилу 8 ойи ўталган, иш юқори инстанцияда қайта кўрилган ва маҳкум оқланган. Дастлабки терговда эса унга ва 15 ёшли укасига нисбатан ғайриқонуний усуллар қўлланганлиги аниқланган. Мақолада ёзилшича, судланувчига нисбатан ҳукм чиққандан сўнг терговчилар ҳақиқий қотилини аниқлашган бўлса-да, ўз айбларини яшириш учун бу ҳолатни ошкор қилишмаган.

Россияда қотил Чикатлоининг жинояти бўйича у қўлга олинганга қадар икки киши ғайриқонуний тарзда ўлим жазосига ҳукм қилинган. Қотил Михасевичининг жинояти бўйича эса 11 киши ноҳақ айбланиб, қамоққа олинган. Улардан бири отилган, иккинчиси терговдаги қўйи-ноқлар оқибатида кўр бўлиб қолган бўлса, яна бири ақлдан озган. Қолганлар ғайриқонуний тарзда узок муддатларга озодликдан маҳрум қилинган.

АҚШда 1973 йилдан бошлаб ҳозирга қадар ўлим жазосига ҳукм қилинган 113 киши айби исботланмаганлиги сабабли оқланган. Уларнинг кўпчилиги йиллар давомида ўлим камерасида сақланган. Бундай ноконуний ҳукм чиқарилишига полиция ва прокуратура томонидан ғайриқонуний ҳаракатларнинг содир этилиши, суд томонидан асоссиз гувоҳлик, далил ва айбни бўйича олиш тўғрисидаги арзларнинг қабул қилиниши, адвокатларнинг етарли малакага эга эмаслиги сабаб бўлган. 1994 йили АҚШнинг базис федерал судьялари ўлим жазоси конституцияга зид эканлиги тўғрисида қарор қабул қилишган. Бундай ҳулоса ўлим жазосининг айбисиз қиллиши ҳам тайинланиши мумкинлигига асосланган эди.

Колумбия университетининг бир гуруҳ олимлари ўтказган тадқиқот шуни кўрсатадики, 1973 — 1995-йилли жазоси дунёнинг ўнлаб давлатларида чиқарилган 71 фоиз ҳукм кейинчалик қайта кўрилган ва уларнинг

оқ танили бўлса ҳам суднинг судланувчига ўлим жазоси тайинлаш эҳтимоли юқори бўлиши аниқланган.

Шундай қилиб, ўлим жазосига ҳукм қилишда суднинг ҳатоси судланувчи учун ҳам, жамият учун ҳам тузатиб бўлмас оқибатни келтириб чиқаради. Суд ҳатосини эса жазо ижро қилинганга қадар тузатиш мумкин. Афсуски, инсоннинг табиати шундайки, ҳуқуқ ва эркинликларга таъовузни дарҳол эмас, балки ушбу муаммоларга дуч келиб, таъовуз унинг шахсан ўзига қаратилсагина англашни бошлайди.

Мамлакатимизда яшовчи ҳар бир фўқаронинг ушбу жазо турига нисбатан ўз фикри, табиийки, улар бир хил эмас. Мазкур ҳолатни ҳам тузатиб бўлмас оқибатни келтириб чиқаради. Суд ҳатосини эса жазо ижро қилинганга қадар тузатиш мумкин. Афсуски, инсоннинг табиати шундайки, ҳуқуқ ва эркинликларга таъовузни дарҳол эмас, балки ушбу муаммоларга дуч келиб, таъовуз унинг шахсан ўзига қаратилсагина англашни бошлайди.

Одиллик ҳаётимизнинг асосий тамойилига айланиб бораётган бир вақтда халқимиз ўлим жазоси эмас, балки адолатли жазо тарафдорларидир деб тўла ишонч билан айта оламиз. Бизнингча жиноятчига оғир ёки енгил эмас, балки адолатли жазо берилиши керак. Шу сабабли президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида»ги фармони ватанимизнинг демократик қадриятларга содиқлиги намунаси сифатида қабул қилинди, ҳуқуқий давлат қуриш йўлида амалга оширилаётган ишларда собитқадам эканлигимизни ҳақон жамоатчилигига яна бир қарра кўрсатиб қўйди.

Суръат НАЙИМОВ,
Ўзбекистон президенти ҳузуридаги Аамдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бош илмий ходими



Саҳифаларимизда Кашқадарё вилоят прокуратураси органлари



Вилоят прокуратураси биноси.

ноят иши қўзғатилди. Айбдорлар етказилган моддий зарарнинг 30.300.000 сўмини ихтиёрий равишда тўлашди. 255.800.000 сўмлик зарарни ундириш бора-сида судларга 1918 та даъво ари-заси киритилди.

— Бу борада аниқ мисол кел-тирсангиз.

— Масалан, «Туронбанк»нинг Шахрисабз бўлими мансабдор-лари тумандаги «Достонбек Су-лаймон бобо набираси» фермер хўжалигининг ҳисоб-рақамидagi 2.000.000 сўм маблағни Молия вазирлигининг 2005 йил 14 фев-ралдаги «Пахта-2004 54-лизинг» тўғрисидаги йўриқ-номасига асосан фермер хўжалиги-нинг «Ўқчилоқхў-

лашмоқда?»

— Шу йилнинг биринчи ярмида вилоятда 624,7 млрд. сўмлик са-ноат маҳсулотлари, 55,2 млрд. сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилиб, соҳада ўтган йилнинг шу давридагига нисба-тан бирмунча ўсишга эришилди. Капитал қурилиш кўлами кенгай-ди. Қишлоқ хўжалигида ялпи маҳ-сулот миқдори 186,3 млрд. сўмликни ташкил этиб, ўтган йил-нинг биринчи ярмидагига нисба-тан ўсди. Аҳолига 174,5 млрд. сўмлик чакана савдо ва 26,9 млрд. сўмлик пулли хизмат кўрсатилди. Корхоналарнинг молиявий-хўжа-лик фаолияти яхшиланиши нати-

ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТ ПРОКУРОРИНИНГ ЎРИНБОСАРИ МИРЗА КАРИМОВ БИЛАН СУХБАТ

Халқ манфаатини кўзлаб, халқ билан бирга

— Мирза ака, мамлакатимиз мустақилликка эришганига 14 йил тўлди. Истиқлол даври-да ҳаётимизнинг ҳамма жабҳа-ларида катта ўзгаришлар юз бераётир. Прокуратура орган-лари фаолиятида кечаятган ўзгаришлар тўғрисида нима дея оласиз?

— Дарҳақиқат, мамлакатимиз-да янгиланишлар жараёни ши-тоб билан бормоқда. Амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади эса мустақиллиги-мизни ҳар тарафлама мустаҳ-камлашга қаратил-ган.

Прокуратура тизи-ми ҳам тубдан янги-ланмоқда. Президен-тимизнинг «Прокура-тура халқнинг усти-дан назорат қилмаслиги, аксин-ча унга хизмат қилмоғи керак» деган гапи фаолиятимизнинг асосий тамойилига айланиб қол-ди. Ишимизнинг мезони мамла-катда қонунийликни мустаҳкам-лаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликларини ҳимоя қилишга муносои ҳисса қўшишдир.

Жорий йилнинг ўтган даврида бутун эътибор иқтисодиётни эркинлаштириш, қишлоқ хўжалиги-да ислохотларни қуқулаштириш, тадбиркорликни қўллаб-қувват-лаш, аҳолини ижтимоий муҳофа-за қилиш, президент фармонла-ри ва ҳукумат қарорларининг ижроси устидан назорат тадбир-ларини кучайтиришга қаратилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эр-кинликлари, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишга оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 435 та текшириш на-тижасига кўра 6200 та прокурор назорати ҳужжатлари қўлланиб, мансабдорларнинг 615 дан ор-тиқ гайриқонуний ҳужжатлари прокурорларнинг протести асо-сида бекор қилинди. Текшириш натижасига кўра 1766 нафар мансабдор интизомий, маъму-рий ва моддий жавобгарликка тортилди. Қўпол қонунбузилиш ҳолатлари юзасидан 115 та жи-

жаликмашлизинг» вилоят бирлашмасига ўтказмас-дан, банкнинг мемориал ор-дерига асосан фермер хўжалиги олган кредитни қоплашга олиб қўлишган. Шунингдек, улар вазифасига со-вуққонлик билан қараб, қайд этил-ган 88-қарор талабларини қўпол равишда бузишган ва 2004 йил 1 майгача Шахрисабз юқори куч-ланишли электр тармоқлари кор-хонасининг 228.073.000 сўм иш ҳақини вақтида тўламасдан «Ўқчилоқхўжаликмашлизинг» вилоят бирлашмаси ҳамда Шах-рисабз юқори кучланишли электр тармоқлари корхонаси ходимла-рининг манфаатларига кўп миқ-дорда зарар етказишган.

Мазкур ҳолатлар юзасидан ви-лоят прокуратураси томонидан 2005 йил 20 майда банк бўлими ва электр корхонаси мансабдор-ларига нисбатан жиноят иши қўзғатилди.

— Маълумки, қонуналар ижро-си юзасидан ўтказилаётган тек-ширишларнинг сони эмас, сама-радорлиги муҳим аҳамиятга эга. Халқ хўжалиги тармоқларида олиб борилаётган прокурор на-зорати иқтисодиётнинг ривож-ланишига қай даражада қўмак-

жасида олинган баланс фойда миқдори 68,5 млрд. сўмни ташкил этди. Бу ютуқларда прокуратура органларининг ҳам муносоиб ҳис-саси бор деб дадил айтиш мум-кин. Ходимларимиз энг муҳим қишлоқ хўжалик ишларида фаол иштирок этишаёпти, айниқса фер-мерлар билан тузилган шартно-маларнинг сўзсиз бажарилиши-ни таъминлаш учун мунтазам иш олиб боришмоқда.

Ўзаро ҳисоб-китоб ишларида интизом мустаҳкамланганлиги натижасида вилоят бўйича кор-хоналарнинг дебиторлик қарзи шу йилнинг 1 январдагига нисбатан 734,7 млн. сўмга, кредиторлик қарзи эса 1 млрд. сўмга камайди. 2005 йил 1 июлгача вилоятда биринчи даражали тўловларнинг вақтида тўланиши таъминланди.

Ўтган даврда вилоятда халқ-нинг турмуш даражасини яхши-лаш бора-сида фуқароларнинг ўзи-ни-ўзи бошқариш органлари би-лан ҳамкорликда қатор ишлар қилинди. Аҳолини ижтимоий ҳимо-ялаш, иш билан таъминлаш бо-

расидаги ишлар кам таъминлан-ган оилаларнинг барқарор даро-мад манбаини шакллантириш кон-цепцияси асосида олиб борила-япти. Шу йилнинг биринчи ярми-да вилоятда 42300 та, жумладан

атччилик билан алоқалари қан-дай?


— Ишсиз, кўча-кўйда санқиб юрвчи бекорчилар кўпинча жи-ноят содир этишади. Қаровсиз қолган ёшлар ҳам жиноят қилиш-га мойил бўладилар. Демак, жи-ноятчиликнинг олдини олишда аҳолининг бандлик даражасини ошириш, ёшларнинг бўш вақти-ни мазмунли ташкил этиш муҳим аҳа-ми-ятга эга. Бунда вило-ятдаги 561 та фуқа-роларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари, жамоатчилик билан ҳамкорликда иш олиб боришмоқда. Маҳал-ла оқсоқолларининг осойишталики таъ-минлаш бўйича масъ-улиятини оширишга

катта эътибор берилаяпти. Бу тадбирлар самара бериб, жорий йилнинг ўтган даврида умумий жиноятчилик 2364 тани ташкил этиб, бироз камайишига эри-шилди.

— Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш соҳасидаги вазифалар про-куратура органлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шундай эмасми?

— Замон олдимизга жуда кат-та ва масъулиятли вазифаларни қўймоқда. Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикасида ўлим жазосини бекор қилиш тўғрисида» ҳамда «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида»ги фармонлари моҳиятини оммага бафосил тушунтиришимиз ке-рак. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш йўлида ҳуқуқни му-ҳофаза қилувчи барча органлар ходимларининг баҳамжид иш-лашини таъминлаш жуда муҳим.

Журналист Гулчехра ЖУРАЕВА суҳбатлашди



«Хожай Жарроҳ» зиёратгоҳи.

Инсон табияти қизиқ. Бола-чакам деб елиб-югуради. Ўзини ўтга, чўкка уриб фарзандларини бировдан кам қилмасам дейди. Шахридин эса ўзини ўтга ҳам, чўкка ҳам урмай, пул ишлашнинг антика усулини топди. Харбий қисмга қарашли авиация тиббий лабораториясида врач-мутахас-сис лавозимда тинчгина хизмат қилиб юрганди. Уни нима жин урди, билмадик.

Навбатдаги хизмат таътилини ўзи туғи-либ ўсган сўлим Китоб туманида ўтказаят-ган вақтда ҳаёлотнинг қинғир кўчаларига кириб чиқа бошлади. Шундай ҳаёллар оғуши-да юрганида унга содда ва тўпори юртдош-лари Мухаммади ака ва Тўхта опа йўлиқиб қолди.

— Бировдан эшитдик, жон ука, сиз олий харбий билим юртида дарс бераар экансиз (Шахридин одамларга харбий билим юр-тида дарс бераман деб ёлгон айтиб юра-ди). Бизга ёрдам берсангиз. Ўғлимиз икки йилдан буён олий харбий билим юртидан йиқилиб қайтаёпти.

сурашди эр-хотин.

— Икки минг доллар.

— Бўпти, — деди бироз ўйлаб туриб ота.

— Сиз ўқишга киритиб қўйсангиз бас,

биз пулни қандай бўлмасин олиб келамиз.

Бир-икки кундан сўнг улар уйдаги қора-мол ва қўйларини сотиб, қолганини қарин-дош-уруғлардан қарз кўтариб пул тўплаш-ди ва Китоб «Дехқон бозори»да номаълум қимсаларга 1500 долларга алмаштири-лар.

— Мана, ука, 1500 доллар. Қолганини кейинроқ тўғрилаб берамиз.

Шахридин долларни кўртдай санаб олар

— Мен у ерда дарс бе-рам, лекин ўқишга киритиш-нинг ўзи бўлмайди. Ҳила-гина пул беришингизга тўғри келади.

— Қанча? — бараварига

экан, ўзини шу соҳанинг билимдони қилиб кўрсатиб, қозғога доллар рақамларини ва тилхат ёзиб берди, ҳатто харбий шаҳарча-га кириб-чиқиш учун берилган рухсатнома-сини ҳам уларга тутқазди.

Эр-хотин ўзича хурсанд, ниҳоят ўғлим офицер бўлади деган ширин бир энтикиш билан уйга қайтишди. Афсуски, уларнинг қувончи узоққа чўзил-мади. Жамол имтиҳон-дан яна йиқилди. «Танка» бўлими имтиҳон давомида соясини ҳам кўрсатмади. Сохта домла эса Тожкент шаҳридаги уйда фи-рибгарлиги билан толган мўмайгина пули-ни еб ётган эди.

Жабранувчиларнинг аризасига кўра, харбий прокуратура томонидан фирибгар-га нисбатан жиноят иши қўзғатилди. Энди унинг нафақат қонун, балки виждони олди-да ҳам жавоб беришига тўғри келади.

Нодир ҒАФУРОВ,
оқруқ харбий прокуратураси катта
терговчиси

Ҳақимнинг ҳийласи

ИСЛОҲОТ ЗАМОН ТАЛАБИ

Мамлакатимиз иқтисодиёти асосан қишлоқ ҳўжалигига иқтисослашган. Юрт тараққиёти, халқ фаровонлиги, аввало, қишлоқ ҳўжалигининг ривожига боғлиқ. Шу боис қишлоқ ҳўжалигига ислохотларни жадаллаштиришга, унинг самардорлигини оширишга қаратилган қонунлар қабул қилинаёпти. Айниқса, президентимизнинг 2004 йил 11 мартдаги «Қишлоқ ҳўжалигига ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармонида бажаришимиз лозим бўлган вазифалар аниқ-равшан белгилаб берилган. Ислохотларнинг раво кетиши, қўзланган натижаларни қўлга кiritишда ушбу қонунларнинг ижроси муҳим аҳамиятга эга.

Вилоят прокуратурасида ҳам қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунийликни таъминлаш ва ҳўжалик юритувчи субъектларнинг ҳўқуқларини ҳимоя қилиш бўлими самарали фаолият юритмоқда.

Вилоят ҳўкимининг қарорига асосан туманлардаги пахта ва галла етиштирувчи ширкат ҳўжаликларида ер ресурсларидан самарали фойдаланишни назорат қилиб бориш учун ташкил этилган гуруҳлар фаолиятининг мониторингини олиб борадиган 56 та иш гуруҳи тuzилган. Гуруҳларнинг таркиби-

га вилоят прокуратураси, адлия ва ер ресурслари бошқармалари ходимлари киритилган.

Бугунги кунда вилоятнинг умумий ер майдони 2.856.799 гектарни ташкил этиб, шундан 667.604 гектари экин экиладиган ерлар.

Вилоятда 18.012 та фермер ҳўжалиги фаолият кўрсатиб, уларга 495.571 гектар ер ажратилган.

Деҳқонларимиз мамлакатимиз галла ва пахта хирмонини тўлдиришга салмоқли улуш қўшиб келаяпти. Бу йил вилоятда 166.385 гектар ерга чигит экилиб, давлатга 426.000 тонна пахта етказиб бериш режалаштирилган. 2005 йилда галла ҳосили ҳам юқори бўлди. Давлатга 348.000 тонна дон сотилди.

Кўриниб турибдики, вилоятимиз қишлоқ ҳўжалигининг имкониятлари катта. Ер ҳақиқий эгалари – фермерларга берилди. Энди улар қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қабул қилинадиган қонунлар талабларига оғишмай амал қилиб, сидқидилдан меҳнат қилишса, юксак натижаларга эришимиз шубҳасиз.

О.САЙИМОВ,

Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи



Косон туман прокурори Ш.Умрзоқов ҳузурида тезкор йиғилиш

Ҳозир иқтисодиётда тадбиркорлар асосий ишлаб чиқарувчиларга айланиб қолди. Уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоялашни назарда тутиб шу йил июн ойида чиқарилган президент фармонлари ва қарори тадбиркорларнинг эркин фаолият юритиши учун кенг имкониятлар очди. Илгари сон-саноксиз текширувлардан, турли назорат органларининг тадбиркорлик фаолиятига нўйрн аралашувларидан кўп одамлар азият чекканлиги ҳеч кимга сир эмас. Эндиликда буларнинг ҳаммасига чек қўйиладиган бўлди.

Тадбиркор қонун ҳимоясида

Президентимизнинг шу йил 14 июндаги «Бозор ислохотларини чуқурлаштириш ва иқтисодиётни янада эркинлаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар амалга оширилишини жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларини ҳўқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари ҳамда 15 июндаги «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини тақомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни қучайтириш тўғрисида»ги қарори ҳамда шу масалаларга доир бошқа фармонларида бу борадаги янги ҳўқуқий нормалар белгилаб берилган. Маълумки, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, бюрократик тўсиқларни олиб ташлаш, бир сўз билан айтганда, тадбиркорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокуратура органларининг доимий вазифаларидан бири бўлиб келган. Президентимизнинг фармонлари ва қарори биз учун қўлланма бўлиб хизмат қилади. Шунини ҳисобга олиб, вилоят прокуратура органлари бу борадаги фаолият дорасини кенгайтиришга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришга, ана шу йўналишдаги ишлар самардорлигини оширишга ҳаракат қилмоқда.

Ушбу муҳим ҳўжатларнинг моҳиятини оммага тушунтириш мақсадида вилоят телевидениеси орқали «Давра суҳбат» ўтказилди. Матбуотда прокуратура ва солиқ идоралари масъул ходимларининг чиқишлари ташкил этилди. Вилоят прокуратураси органлари кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга доир қонунлар ижросини таъминлаш бўйича мунтазам иш олиб бормоқда. 2004 йил якунларига қўла вилоят прокуратураси томонидан шу масалага оид қонунлар ижроси атрофида таҳлил қилиниб, натижалари ҳақида Қарши шаҳар ва барча туман ҳўкимларига тақдимномалар киритилганлиги бунинг далилидир.

Ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари ноқонуний текширишларнинг олдини олиш бўйича доимий равишда иш олиб бормоқда. Бундай ноҳўя ҳаракатларга нисбатан қатъий чоралар кўрилаяпти. Масалан, Яқабоб туманида фаолият кўрсатиб келаятган «Илс-Юлдуз» хусусий ишлаб чиқариш корхонасига қарашли дорихонада ўзини «Адвокат пресс» газетаси муҳбири деб таништирган К.Азизов ва уч нафар номаълум кишилар сохта ҳўжатлар асосида текшириш ўтказмоқчи бўлишган ва сотувчи А.Ҳамроевдан пул талаб қилишган. Сохта текширувчиларнинг «миси» чиқди. Мазкур ҳолат юзасидан К.Азизов ва бошқаларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, тергов олиб боришмоқда. Ёки Косон тумани ДСИ участка инспектори А.Сиддиқов фуқаро Н.Қаҳороевдан 409.250 сўм даромад солиғи олиб, ўзлаштирилганлиги аниқланиб, унинг устидан жиноят иши қўзғатилганлиги солиқчилар орасида ҳам нопок шахслар борлигидан далолат бериб турибди.

Ҳозир Қашқадарёда 52.151 та юридик макомга эга бўлган тадбиркорлик субъектлари бўлиб, кичик бизнес корхоналарининг вилоят ялпи ички маҳсулотидаги улуши 27,8 фоизни ташкил этади ва ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 фоизга кўлаяпти. Тадбиркорларнинг sanoat ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам ортиб бормоқда. Президентимизнинг тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ҳўқуқий ҳимоялашга қаратилган фармонлари ва қарори бу соҳани ривожлантиришда янги уфқлар очди.

О.АМИРКУЛОВ,

вилоят прокуратурасининг бўлими бошлиғи



Қамаши туманидаги Лангар ота зйратгоҳи.

Саҳифаларда фотомўхбир Ш.ШАРҲОПОВнинг суратларидан фойдаланилди.

ФАРЗАНДЛАР ОЛДИДА БУРЧЛИМИЗ

Ёшларнинг соғлом, билимли, баркамол бўлиб-воёга етишлари учун ҳар томонлама эътибор зарур. Уларнинг экин-эркин ўсиб-ўзайиши, илмни эгаллаши учун барча шароитлар мўҳайё этилиши лозим. Шундагина ҳар бир киши фарзандлар олдидаги бурчини адо этган бўлади.

Бугун вилоятимизда 2.378.200 нафар аҳоли яшаса, шундан 1.102.700 нафарини воёга етмаганлар ташкил этади.

Ёшлар онгини бойитиш, дунёқарабини кенгайтириш, ҳўқуқий саводхонлигини ошириш борасида қўллаб-тарғибот-ташвиқот ишлари ўтказилди. Спорт иншоотлари қуриб берилди. Янги иш ўринлари очилиб, воёга етмаганлар иш билан таъминланаяпти. Ижтимоий муҳофазага мўҳтож ёшлар моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келинмоқда. Республика миқёсида ўтказилган фан олимпиадасида вилоят мактаб ўқувчилари фаол иштирок этишиб, фахрли 3-ўринни эгаллашди.

Бироқ шу билан бирга ёшлар томонидан ҳўқуқбузарлик ва жиноятлар ҳам содир этилмоқда. Уларнинг ичкиликбозлик ва гйеҳвандликка ружу қўйиш ҳолатлари ҳам учраяпти. Турли зарарли оқимлар таъсирига тушиб қолаётган ёшларимиз ҳам йўқ эмас. Бу эса воёга етмаганлар ўртасида тарбиявий ишлар етарли даражада эмаслигидан, назоратнинг сустлигидан далолат беради.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Вазирлар Маҳкамасининг «Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссиялар фаолиятини тақомиллаштириш ҳақида»ги қарори ҳамда Республика Бош прокурорининг «Воёга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан прокурор назорати фаолиятини янада тақомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғи талабларидан келиб чиқиб, бир қатор ишлар қилинмоқда. Улуғ ишларимизга тўсиқ бўлаётган хато ва нуқсонлар бирма-бир бартараф этилиб, қўзланган мақсад сари интилаяпти.

Б.ТўЛАГАНОВ,
вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси



Қашқадарё вилояти Солиқ бошқармаси биноси.

Довуд МАҲДИЙ

Ўзганини англаб...

1939 йилда турмага айлантилган Одина масжид-мадрасаси 2005 йилда Қаршининг 2700 йиллиги муносабати билан оғир бетон тошлардан озод қилиниб, асил қиёфасини олаяпти.

Бошимдан бутун ёв айланди,
Танимдан тутун ёл айланди,
Бу кундан бут дин ё айланди,
Айланди, бу дунё айланди.

Саждага қўйгандим бошимни,
Тунжада қўриқлар лошимни,
Душманга тутгандим ошмни,
Тутганим азага айланди.

Қил-қизил жоҳиллар амалда,
Энг фозил оқиллар қамалда,
Қамалмас зиё ҳам қамалди,
Мадраса турмага айланди.

Ох, жоним сўқилди йиғидан,
Маржоним тўқилди тугидан,
Туғилмай тоғилар туғидан,
Тоғилар турмага айланди.

Неча йил жабрини тортган бу,
Мағрибининг тонгини тўртган бу,
Илмни кўзига суртган бу
Оқ кўнглим сурмага айланди.

Ўйласам, бағримни ит тилар,
Элимнинг бошига етдилар,
Едилар, ҳар томон титдилар,
Миллатим лўжмага айланди.

Ўтганга тобут ҳам тоғолмай,
Йймони ё бут ҳам тоғолмай,
Ўтарди Довуд ҳам, тоғолмай,
Армоним ҳумога айланди.

Турибман тарихни варақлаб,
Ўзгалиш кишанлар шарақлаб,
Ой, юлдуз порлайди чарақлаб,
Юрғам самоза айланди.

Унутган Қарши бу зийнатни,
Мен бугун сал ёриб зумдатни,
Боқарман тоғондек зумрадни,
Шууриим шуълага айланди.



Услубий марказ очилди

Қашқадарё вилоят прокуратурасида «Жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашга оид қонунларни ўрганиш услубий маркази» ташкил этилди.

Мазкур марказ президентимиз асарлари, Бош прокуратура томонидан тайёрланган услубий қўлланмалар, жиноятчилик, диний экстремизм ва терроризмга оид қонунлар, вилоят ҳамда туман-шаҳар ҳўқуқни муҳофаза қилувчи идоралари, хусусан прокуратура органларининг бу борадаги фаолиятидан лаҳзалар, турли илмий ва бадиий адабиётлар билан бойитилган.

Шунингдек, марказда Қарши шаҳрида фаолият юритаётган диний ташкилотларнинг имом-хатиблари, маҳалла фуқаролар йиғинлари раислари, диний маслаҳатчилари, тиббиёт ходимлари, мактаб ва

коллеж директорлари, «Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати бўлиmlари, турли нодавлат жағмағмалар раислари билан учрашув ташкил қилиниб, уларга диний экстремизм ва терроризмнинг муҳим оқибатларини вилоят аҳлига тушунтириб, сергаклик ва оғоҳликка қорлаб, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч ким қайтара олмаслигини тарғиб қилиш тавсия қилинди.

Вилоят ҳўкимлиги, МХХ ва Ички ишлар бошқармалари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган «Бизни ҳеч ким танлаган йўлимиздан қайтара олмайди» номли қўлланмани вилоятнинг барча маҳалла ва қишлоқларида ўрганиш ташкил этилди.

М.АЗИМОВ,

Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлими бошлиғи

ИҚРОР

Хаммаси болаликдаги дўстим Н.нинг уйимизга таширифи билан бошланди. У хотини оила фарзанди бўлиб, тарбияси эътиборсиз қолган эди. Шу боис оқ ажал домига илгани экан. Мен буни, афсуски, кеч билдим.

Дабдурустан уйимизга кириб келган дўстим холи гаплашиб олишимиз кераклигини айтганда, чойнон берган хотинимга бизни ҳеч ким бевозта қилмаслигини тайинладим. Илк бор унинг «ош»ига шерик бўлганимда, бошим айланиб, кўнглим беҳузур бўлди. Биринчи марта шундай бўлишини, кейингилари ёғдай ўтишини уқтирган Н. уйимизга кунора келади деди. Бир кун оқ ажалнинг кайфини суриб ўтирганимиз устига хотиним кириб қолди. Унинг «дўстингиз менга ёқмайпти, ундан эҳтиёт бўлинг, сизни ҳам йўлига тортмасин» деган илтижоларига эътибор бермадим. Устига устак, онам ҳам буни сезгандай, дўстим келса, отасининг қотилини кўргандай ғазабга минар эди.

Кунлар шу зайлда ўта бошлади. Кўп ўтмай яширинча уйдаги нарсаларни ҳам пуллаб бошладим.

Менинг кундан-кунга озиб бораётганимдан хавотирланган онам бир кун олдига чакирди:

— Болам, сендан ягона ўтинчим, илтимосим, захри қотилдан кечгин. Менинг тинчгина жон беришимга ёрдам бер. Қийналиб кетдим-ку, ахир. Нахотки, шундан кечолмайсан, жон болам. Фарзандларингга, хотинингга раҳминг келмайдими? Агар мени рози бўлсин десанг, ташлайсан, болам.

Мен гумроҳ ўшанда онам билан охириги марта дийдорлашаётганимни билмаган эканман. «Онажон, албатта ташлайман, ўзим ҳам қийналиб кетдим. Албатта ташлайман, фақат сиз сиқилманг» деб кўчага чиқдим ушеригимни кута бошладим. Бир маҳал уйдан хотинимнинг «Онажон, қуйиб-қул бўлган онажоним, юрак-багри куйган онажоним, бизни ташлаб кетманг онажон» — деб оҳ-воҳ қилаётганини эшитиб,

қотиб қолдим. Югуриб уйга кирдим. Бир кўзи салгина юмилган, иккинчиси эса очик, жонсиз онамнинг жасади...

Онамни кучанча фарёд чекарканман, унинг илтимосини бажаришга сўз бердим. Лекин, энди ҳар қандай куч ҳам мени оқ ажалнинг домидан чиқишимга ёрдам беролмасди.

Н. кунора келиб туришни қанда қилмас, хотиним бўлса уйдан кетишини, болаларимнинг дийдорига зор қилишини айтарди.

Бир кун кўчадаги сўрида ўтган воқеаларни, онажонимни эслаб ўтирсам, қўшимча Дўнора она мени уйига таклиф қилиб қолди. Бирор юмуши бўлса керак деган йўда уларнича йўл олдим. Она мени дастурхонга таклиф қилар экан:

— Сиз менинг укамсиз, тўғрими? Шунинг учун келинг, опа-ука бўлиб бир суҳбатлашиб олсак. Мени тўғри тушунинг. Онангиз раҳматли яхши аёл эди. Оғир ётган қўларининг бирида кўришга кирганимда, мендан бир нарсани илтимос қилган эди, — деди-уо бироз жим бўлди. Сўнг яна гап бошлади:

— У киши «Қизим, сиз шу маҳалладаги кўлди тоза, менга ёқадиган ягона аёлсиз. Сиздан илтимосим,

вафотимдан кейин ўғлимни тўғри йўлга солинг. Мен бу дунёни тинчгина тарк этай. Ўғлим учун жон беришга қийналыпман, жон қизим. Сизни оллоҳ қўлласин. Биламан, болам сизни жуда ҳурмат қилади. Менинг қўлимдан келмади. Энди ягона умидим сиздан. У сизнинг айтганингизга кўнади. Жон қизим,

кетдим. Менинг қизариб-бўзариб кетганимни кўрган опа:

— Сиз билан суҳбатимиз олдида келишиб олганман. Хўш, розимисиз? — деди. Нима ҳам дердим. «Майли ташлайман», — дедим сепкингина.

Йўқ, опа сувдан қуруқ чиқиб кетмоқчилигимни сезиб қолди. Уйдан

менинг қалтираб ётганимни кўриб, укол қилди. Қотиб ухлабман. Эрталаб уйқудан турганимда опа хабар олгани келган экан. Уйдагиларга ишга кетаётганини, кечгача ҳеч ким билан суҳбатлашишга рухсат бермасликларини қаттиқ тайинлаб, чиқиб кетди. Иккинчи кун яна бир укол мени ухлашга ундади. Учинчи кун ҳам. Бешинчи кун уйга қариндошлар йиғилишди. Опа мени икки уч йилга Россияга юборишлари зарурлигини айтди. Чунки, иккала эгизак фарзандларим ўрта мактабни тамомлаб, институтга киришга ҳаракат қилишаётган бўлиб, тез орада уларни уйлантиришимиз керак эди. Яқинларим йўл чиптасини олиб беришга ваъда беришди.

Азизларим, онам ўлди, кўзим очилди. Онамнинг бошига етган кўр кўзларимни ўйиб олгим келади. Лекин, афсуски, фойдаси йўқ. Кеч, жуда кеч кўзим очилди. Заҳриқотил домига тушманг, ундан эҳтиёт бўлинг, зеро оналаримизнинг ҳаётлиги давлатимиздир. Уларнинг эзиллишига, охираб уйига очик кўз билан кетишларига йўл қўйманг.

Оқ ажал домига кирган инсоннинг қайтаб чиқиши қийин экан.

Устига устак ёлғончи, ялқов, дангаса бўлиб ва энг ёмон, яқинла-

Кўзим



ЖУДА КЕЧ ОЧИЛДИ!

боламни укамсиз ўрнида кўринг, албатта ёрдам беринг», — деган эди. У кишининг руҳлари шод бўлсин деб, онангизга ваъда қилган ишмни бажаришим керак.

Гап нимада эканлигидан беҳабардай: «Опа, мен сизни эшитаман, онам сиздан нимани илтимос қилган эди», — дея секингина сўрадим.

Опа «Онангиз сизни боши берк кўчага кириб қолганингизни, бу йўлдан қайтаришга ёрдам беришимни, акс ҳолда у дунёда ҳам тинч ётмаслигини айтган эди» деб жавоб қилди. Очиги, опанинг вазоҳатданми, ё йигитлик ғурурими, уялиб

фарзандларим билан хотинимни чақиртириб, уларга мени уйдан чиқармаслиқни, ҳеч ким билан учрашмаслиқни, уч кундан кейин яқинларимни чақиртиришимизни буюрди.

Менинг бу аҳволда юришимдан номус қилиб юрган хотиним билан болаларим опага раҳмат айтиб, «Албатта айтганингизни қиламиз, аммо оғриқча чидамаган пайтда нима қиламиз?», деб сўрашди. Опа «Кўндуз кун оғриқсиз ўтар экан, майли, сизлар оғриқсиз вақтда сақланг, кечқурун ўзим даволайман», — деди-да, бизга жавоб берди. Шу кун кечга яқин кириб келган опа,

рингизнинг назаридан четда қолар экансиз. Оилангиз, фарзандларингизнинг сиздан кечишларига, сизни ташлаб кетишларига йўл қўйманг...

— Опажон, сизга раҳмат, яқин жигарларим қилмаган яхшилигингиз учун, онамнинг илтимосини бажаришимга ёрдам берганингиз учун!

Оллоҳнинг марҳамати билан оқ ажал домидан қутулиш арафасидаман.

Зарифнинг хатини оққа кўчирувчи
Эрпўлат БАХТ,
Хоразм вилояти

ИШКИЛИКБОЗЛИК — ИЛЛАТ

Бир китобда ўқиганим бор: «Қўлингдан кетган ҳар бир нарса армондир... Инсонлик қисмати шу — бу ёқдан ғилдираб кириб, у ёқдан ғилдираб чиқиб кетасан, бир дам тўхташ йўқ. Шугина умрга тўтаб кириб, ҳамманинг кўзини ачиштириб кетиш қайқда-ю, баҳордай келиб, кўнгилларга чечаклар экиб кетиш қайқда?».

Орзиқул (исмлар ўзгартирилди) дунёга келганда ота-онаси эзгуниятларимизни амалга оширади, кексайганимизда бизга, ака-опаларига суянчик бўлади дея орзу қилишгани табиий. Аммо Орзиқул ўлғайиб вояга етгани сайин яқинлари дилида маддага айланган чипкондек оғрикли из қолдириб кетаверди. «Жиноятчи» деган тамгани орттирган Орзиқул бир эмас, тўрт марта судланиб ҳам кўзи очилмади.

Дардгүйи, аламгүйи шайтоний нафс, ҳамроҳи ароқ бўлган кундан эътиборан қариндоши туғул оиласиго, уч фарзандини ҳам тамоман унутди.

2005 йилнинг январ ойида болалик ўртоғи, синфдоши Абдулла Тешаевни учратиб қолди.

— Бормисан, сени ҳам кўрадиган кун бор экан-да, — гап бошлади Орзиқул унинг қўлини сиқаркан.

— Юрибмиз. Ишнинг тайини йўқ. Ҳеч кимга ёқмай қолганмиз.

— Нега тайини бўлмас экан? Иш керак бўлса, топамиз. Мен ёлғиз, сен ёлғиз... Юр, яхшиси бизникида яшайвер...

Бухоро шаҳар М.Анбар кўчасида Орзиқул билан ёнма-ён яшайдиган Зулайхо опа укасининг ҳовлисида пайдо бўлган «мехмон»ни кўриб ҳайрон бўлди. Опа ҳар гал унинг кимлигини суриштириб, саволларига тайинсиз жавобларни олди.

Кунлар шу зайлда ўтиб борарди. Икки дўстининг топанлари ўртада. Эрталабки ноуштада бўлмаса-да, тушлик ёки кечки дастурхон спиртли ичимликсиз ёзилмас эди.

13 феврал. Яқшанба. Негадир кайфиятсиз уйғонган Абдулла бугун содир бўладиган фожеани тушида ҳам кўрмаган бўлиши аниқ... Мудроқ босганча уйга толиб ўтирган



Абдулланинг «стенка»да териб қўйилган чинни идишларга кўзи тушаркан, хаёли бузилди. «Бугун егулик учун кўк чойнакни «залог»га қўйсам, дўкончи йўқ демас!».

Орзиқул уйқудан кўз очганида ёзилган дастурхонни кўриб, хурсанд бўлди. «Яшавор Абдулла...» дея кўнглидан ўтказди. Икки дўст «ширингина» бўлиб, кунни кеч қилишди. Ҳада, бошқа қиладиган иш бўлмагандан кейин... Оила ташвиши, бола тарбияси, елга совирилаётган умр ҳақида ўйлаш учун уларда маънавий коммулик етишмасди. Четдан қараганда Орзиқул билан Абдулла текинхўр, ғаламиз манқуртларга айланиб боришаётган эди.

Зулайхонинг жигаридан хавотири кундан кунга ортиб борарди. «Яна бирор ишқал чиқармаса эди». Чойнак-пиёлаларнинг жойида йўқлигини билган эса, хавотири ўринли эканини тушунди:

— «Стенка»даги чойнак-пиёлалар қани? Ёки... икковлашиб сотиб...

— Э-э, сиқилманг, опа, келтириб жойига қўямиз-э, — Орзиқул шундай деркан оғайинсига юзланди:

— Абдулла, пешинги макароннинг кучи ҳам кетди... Кечқурунга бир ёвгон овқат пийшадим!

— Овқатнинг-ку бирор чорасини топамиз. Аммо «жириллатадиган»идан бўлмаса қан-

дай бўларкин?

— Мана бу пулни ол-да, дўконга ғизилла...

Зумда бир шиша «Шохруд» ароғи билан бир пачка сигарет қўлтиқлаган Абдулла ҳозир бўлди...

Кўзалари сузилганча бўшаган бутилкага қараб, ҳижиллаб ўтирган Орзиқул тўсатдан хушёр тортиди. Опаси айтган чойнак-пиёлани эслади.

— «Стенка»даги чойнак-пиёла қани?!

...

— Сендан сўраяпман!

Жавобсиз саволлар жанжалга ўрин берди. Кайфнинг таъсирида ақли «ўтмас»лашиб қолган Орзиқул қўлига эрк берди. Стол устидаги металдан асалган «кружка» билан Абдулланинг юз-қўзига ура бошлади.

Кетма-кет тушган зарбалардан дўсти муво-занагини йўқотди. Ҳадеганда ховури пасаймаган Орзиқул бўлса уни ҳаёт билан видолашадиган ҳолатгача келтириб қўйганини англамас эди...

Эртасига эрталабдан кўчага чиққан Орзиқул қўшнилари Эркин ва Салимлар билан бироз суҳбатлашган бўлди. Ошга гуруч олиб келиш баҳонасида уйга кирганда ҳам ёрдамга муҳтож Абдуллага эътибор бермади...

Маъкур жиноят иши бўйича тайинланган судга оид тиббий экспертизанинг ҳулосасида А.Болтаевнинг ўлими бош миёнини оғир даражали ёпиқ шикастланиши оқибатида юзага келганлиги қўрсатилган.

Мана оқибат! Тогелбаб икки йилит, икки оиланинг сардори: бирининг умри ҳазонга юз тутди. Иккинчиси эса панжара орти ҳаётига маҳкум... Начора, қўлингдан кетган ҳар бир нарса армондир...

Раҳмон ФАЙЗИЕВ,
Бухоро вилоят прокуратураси
жиноятлари тергов қилиш бўлимининг
алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси.
Моҳира ШАКАРОВА, журналист

KINO OLAMI

Ўтган асрда Ҳолливудда жуда кўп «блокбастер» филмлар яратилди (одатда блокбастер деб 100 миллион доллар ва ундан ортиқ даромад кўрган филмларга айтилади). Бу аудиторияга таъсир ўтказмай қолмади, чунки кўп АҚШ филмлари суратга туширилгандан бир неча hafta, ҳатто кунлардан сўнг намоиш қилинади. «Дунё бозори тўхтовсиз ўсиб, ўзгариб турибди», — дейди «Уорнер Бразерс» кинокомпаниясининг ижарага бериш бўлими бошлиғи Дек Феллман. — Шу сабабдан биз филм яратаётиб, бошқа мамлакатларда уни қандай кўтиб олишлари ҳақида ўйлаймиз». Лекин кинодан даромад олиш осон иш эмас. Баъзи филмлар яхши сотилиб кетиши учун яратилишдан то сотувга чиқишига қадар 100 млн. доллардан ортиқ пул керак бўлади.

Филм муваффақият қозонадими-йўқми, бу томошабинга боғлиқ. «Одамларга нима ёқишини, нима диққатини жалб қилишини ҳеч қачон билмайсан», — дейди Эмори университетининг кинематография ўқитувчиси Дэвид Кук. Бўлмаса филм яратувчилар қандай қилиб даромад кўришади? Бу саволга жавоб беришдан аввал, оддий филм қандай суратга туширилиши ҳақида мулоҳаза юритиб кўрайлик.

Тайёргарлик. Кўпинча филмга тайёргарлик ва уни суратга тушириш жуда кўп вақт талаб қилади. Бошқа катта лойиҳаларда бўлганидек, бирор бадий филмга тайёргарлик ҳам жуда катта рол ўйнайди. Яратувчилар шу жараёнда сарфланган ҳар бир доллар суратга тушириш вақти бундан катта харажатнинг олдини олишини билади-лар.

Қандай киноларни кўрасиз?

Аввал сюжет, уйдирма ёки реал воқеаларга асосланган гоа ишлаб чиқилади. Сўнг ана шу сюжет сценарий ҳолига келтирилади. Сценарийнинг охириги варианты — постановкадир. У актёрларнинг нутқи ва экранда юз берадиган воқеаларнинг қисқа тасвирлишидан иборат. Шунингдек, унда камеранинг жойлашиши, бир сахнадан иккинчисига кўчиш каби техник жиҳатлар ҳам ёритилади.

Албатта, филмни продюссерсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Продюссер топиш учун филмнинг хомаки варианты бўлиши кифоя. Қандай сюжет продюссерни ўзига жалб этади? Кўпинча ёшларни қизиқтира оладиган воқеалар продюссерни ҳам қизиқтиради. Энг яхши кенг аудиторияга мўлжалланган филмдир. Масалан, қаҳрамон болаларнинг севимли комик журналдан олinsa, ота-оналар жон деб болаларни кинотеатрга олиб боришади.

Ёшларни қандай сюжет қизиқтириши мумкин? Мухими — кескин сюжет. Яна беадаб муомала, зўравонлик ва шафқатсизлик акс этган сахналар бўлса бу филм «кас-сабоп ва халқ ёпирилиб келадиган бўлади». Шундай қилиб, келажаги борга ўхшайдиган сценарийни продюссер сотиб олади. Энди у машхур режиссёр ва актёрлар билан битим тузиши керак. Режиссёр ва актёрнинг машхурлиги томошабинларни қизиқтиради.

Тайёргарликнинг яна бир бошқиси — расқадровка. Бу сахналар, айниқса воқеаларга бой сахналарнинг хомаки режасидир. У суратта олиш майдонида вақтни тежаш учун қўл келади. Режиссёр ва муаллиф Фрэнк Дерабонт шундай

дейди: «Суратга олиш майдонида суратга тушириш ўрнига камерани қаерга қўйиш ҳақида кўни билан бош қотиришдан ёмони йўқ».

Тайёргарлик жуда кўп жараёнлардан иборат. Масалан, филм қаерда суратга олинади? Декорация муаммосини қандай ечиш мумкин? Қандай либослар керак? Ери-тиш, грим ва турмаклар билан ким шугулланади? Трюклар, спецэффектларни ким бажаради? Машхур филмларнинг охиридаги титрға қаранг. Кадр ортида филмни яратишда қатнашган юзлаб одамларни кўрасиз.

Кейинги жараён постановка бўлиб, бу пайтда филм суратга олинади. Уни суратга тушириш учун вақт, пул ва кучли асаб даркор. Бир дақиқани йўқотиш 1000 долларни йўқотиш билан баробар. Баъзан актёрларни, съёмка жамоасини, бутун бошли мосламаларни узоққа қўчириб олиб боришга тўғри келади. Филм қаерда суратга олинмасин, ҳар бир кун бюджетнинг маълум қисмини «адо» қилади.

Суратга олиш майдониға биринчи бўлиб чирок, турмак ва грим

кат билан кузатади. Биргина оддий сахна кўриниши учун бир кун кетиши ҳам мумкин. Кўп сахналар биргина камерада суратга олингани сабабли актёр бир ҳолатни бир неча марта ижро этиши керак. Устига-устак техник носозликни бар-тараф этиб, энг яхши ижроға эри-тиш учун битта кадр бир неча бор суратга олинади. Қайтадан олинган эпизодлар дубл деб аталади.

нематографларнинг машаққатини кўролмайд. Уларни бошқа нарсаси ҳам мумкин. Кўп филм менга ёқармикан? Пул тўлашға арзимикан? Болаларин бу кинони кўрса бўладими?».

КИНО КОДЕКСИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ

Филмнинг ахлоқий қиймати — бу фақат музокараларнинг мавзуси

бўлмаса, бу мавзуларға ҳатто шама қилиб бўлмайди. Юқорида тилға олинган чекловларни содир этган персонажи охирида жуда қаттиқ жазо кутарди». Зўравонликка келсак, «қурол-яроғнинг афзаллигини кўрсатиш, уни муҳокама қилиш, жиноятнинг икки-чиқирини, ҳаддан ортиқ шафқатсизлиқни, ўлдир-иш-ни, ўз жонига қасд қилиш-ни, шунингдек, тартибни сақлаш ҳодим-лари жиноятчиларнинг қўлида ҳалок бўлишини кўрсатиш ман қилинган. Сценарийнинг ажралмас қисми бўлгандагина буларни намоиш қилиш мумкин бўлган...».

«Хар қандай жиноятни тўғри деб талқин қилиш ман қилинган».

Кодексининг охирида кино томошабинларнинг ахлоқий даражасини пасайтиришға хизмат қиямаслиги керак деб ёзилган.

1950 йилларға келиб Ҳолливуднинг кўп продюссерлари юқоридаги кино кодексига риоя қилмай қўйди. Шу сабабли 1968 йили кодекс ўрнига ёш классификацияси қабул қилинди. Унга кўра филмда ҳамма нарсаси очик кўрсатилиши мумкин. Фақат унга томошабинларнинг ёшини ҳисобға олиб айрим чеклашлар қўйилади. АҚШ кинематографчиларининг бошлиғи Жек Валентиннинг фикрича, 40 йил мобайнида бу система ота-оналарни олдиндан филмнинг маъносидан огоҳлантириб, улар бу кинони болаларға кўрсатиш-кўрсатмаслик масаласини ҳал қилиши учун хизмат қилди.

Бундай классификация пайдо бўлгандан бери томошабинларни зўравонлик, беадаб сўзлар, жинсий ҳаёт ҳақидаги филмларға кўмиб юборишди.

КЛАССИФИКАЦИЯНИНГ САЛБИЙ ТОМОНИ





Базиллар борган сари ёш классификацияси юзаси тус олмақда деб ҳисоблайди. Гарвард университети соғлиқни сақлаш факультети ўтказган тадқиқот ҳам шунини тасдиқлайди. Текширишларда болалар ва ўсмирларға мўлжалланган филмларда ўн йил олдинги филмларға қараганда кўпроқ зўравонлик ва жинсий ҳаёт акс эттирилётгани аниқланди.

Болаларни кинотеатрга беҳавотир юбораётган ота-оналар уларға қандай филмлар намоиш қилинаётганини билмаслиги мумкин. Шу сабаб улар бу масалаға ҳаёт-мамот масаласидек жиддий ёнда-шишлари керак.

«Ёшлигимда биз оиламиз билан тез-тез киноға тушардик. Энди мен киноға ота-онамсиз борсам бўлади. Лекин ота-онам менга рухсат беришдан олдин филмнинг номи ва сюжети билан қизиқиб кўрадилар. Агар у ҳақда ҳали эшитмаган бўлишса, одамларнинг фикри, телевидениедаги роликларға кулоқ тутадилар ёки интернетдан филм ҳақида билиб оладилар. Агар уни кўрмаслигини маъкул топишса, менга сабабини тушунтиришади. Ижобий ва салбий томонларини очик муҳокама қилиб, биргаликда қарор қабул қиламиз» (Гулноза, 19 ёшда, Тошкентда яшайди).

Юқоридаги гаплардан кўри-ниб турибдики, ота-оналар фарзандларига бирор филмни кўришни тақиялашдан аввал унинг камчи-ликларини тушунтирса, бола ҳафа бўлмайди, бекитиб кино кўрмайди, аксинча рози бўлиб, миннатдорчи-лик билдиради.

Гулгун СУЛТОНОВА тайёрлади



ТО'ХАТ О'РНИДА



Инсон умрини оқар дарёга қиёслашди. Ҳақиқатан ҳам шундай. Ҳадемай 80 ёшни қарши оладиган Светлана Стаханова умрини қонунчиликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқ-тартиботни қарор топтиришга бағишлади. Ҳаётнинг мураккаб ва оғир синовларига бардош берган опа ёшлигиданоқ прокуратура ишига ҳавас қўйди. Ана шу ҳавас иккинчи жаҳон уруши йилларида уни Тошкент юридик институтига етаклади. Илмга бўлган чанқоқлик ҳаракатчан Светланага олий даргоҳдаги тахсилни муваффақиятли тугатишига ёрдам берди.

КАМТАРИН УСТОЗ

Талабалик йилларида у дўстларининг ҳурмати олдидан 1948 йили юрист дипломини олган С.Стаханова Республика прокуратурасининг вояга етмаганлар билан ишлаш бўлимига ишга келди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда мазкур бўлим ҳодимлари зиммасида жуда маъсуляти вазифалар турарди, чунки ота-онасиз қолган минглаб болаларнинг тарбияси билан жиддий шугулланиш, етимхоналар фаолиятини жонлантириш улардан катта меҳнат ва куч талаб этарди. Шундай бўлди ҳам. Ўқилардан олган меҳрини опа меҳрга зор болаларга берди. Унинг болалар уйига ҳар галги ташрифи ва болаларга кўрсатган меҳри тарбиячиларнинг ҳавасини келтирарди.

1951-53 йилларда тажрибали прокуратура ходими Тошкент шаҳрининг энг катта туманларига прокурор ёрдамчиси этиб тайинланди. Ана шу вақтда ҳам у прокуратурага нажот истаб келганларга ёрдам қўлини қўзди. Айбланувчи ва жабрланувчиларга бир хил муносабатда бўлди. С.Стаханова ҳар доим: «Ҳеч ким жиноятчи бўлиб туғилмайди, ҳаётда адашиб жиноятга қўл урмоқчи бўлганларни бу йўлдан қайтариш бизнинг вазифамиз», дер эди. Республика прокуратурасидаги

фаолияти қаҳрамонимиз меҳнатини кўпларнинг эътирофи этишига сабаб бўлди. Бу даврда Светлана опа ўнлаб шогирдларга устозлик қилди.

Опа қаерда ишласин, турмуш тарзи, илгор дунёқараш билан ҳамкасбларига ўрнак эди. Шу боис ҳам бир қатор бошқа ҳуқуқ-тартибот органларидаги ҳуқуқшунослар, айниқса аёллар унинг хизматидан, тажрибасидан фойдаланишга интиларди. Тиниб-тинчимас прокуратура ходими 1959 йили ўша вақтдаги Киров туманига прокурор этиб тайинланди. Унинг заҳматли меҳнати туманда жиноятчиликни камайтиришга, қонунчиликни мустаҳкамлашга катта ёрдам берди. Қўчада, ишда, ундан қонуний ёрдам сўраб келганлар прокуратурадан мамнун кайфиятда чиқиб кетардилар.

— Бу даргоҳдан хурсанд бўлиб кетганларни кўрсам, кўчимга куч, гайратимга гайрат қўшилари, — дейди С.Стаханова.

Ўзлаб шогирдларнинг севимли устози Светлана Ивановна бугун 80 ёшни қаршилаш арафасида турибди. Бу кўтлуг ёш қувончига шерик шогирдлар опага узок умр, тан сихатлик тилаб қоладилар.

Бир гуруҳ шогирдлари номидан
Светлана Ортиқова,
Республика Бош прокуратураси бўлими бошлиғи

USTOZLAR USTOZI HAQIDA

ЎЗГАЛАР ҒАМИНИ
ЧЕКМАСА ОДАМ...

Дунёни қалби гўзаллар суяб туради деган ибратли гап бор. Ҳақиқатан ҳам шундай. Қамина бу иборани ҳаёт йўлими мисолида келтираймиз ва бунинг учун оллоҳга шукроналар айтмам. Илоҳо, жамиятимизда кўнгли тозалар, қалби гўзаллар кўпайсин. Зеро, уларнинг ақл-идроки, тафаккури фақат инсонларнинг ижтимоий аҳоли ва маънавий ҳаётини яхшилашга қаратилган бўлади.

Катта ҳаёт оstonасида турган ёшларга тўғри йўл кўрсатиш, керак бўлса ёрдам бериш гоят савобли иш. Бундайлар бир сўз билан устоз дейилади. Мен ҳам кўп устозни кўрдим: ҳарбий хизматда, олий мактабда, иш жараёнида. Улардан бири Салоҳиддин Нуриддиновдир.

1959 йилдан 1960 йилнинг кузига қадар Самарканд туманидаги собиқ «Комсомол» колхозиде ишладим. Унга Салоҳиддин Нуриддинов раис эди. Ўша пайтлар туман ҳудудидан ўтган Даргом каналининг жануб томонида фақат янтоқ, шувок, жунжақ ўсар эди. Бу жойларни одамлар «Миср чўли» деб атарди. Устоз ана шу ҳудудни ўзлаштириш ташаббусини бошлади. Ишчиларга мева-ли дараклар, айниқса «Шампан» гилоси кўчатини (у пайтлари шу нави гилос ўрнатишда энди кўпая бошлаган эди) ўтказиш вазифасини топишди. Бу иш осон эмас, ер ниҳоятда қаттиқ эди. Иш тамом бўлиши арафасида раис менинг олдимга келиб, бироз суҳбатлашди. Кейин «сен ҳали ёш экансан, ўқишга бор» деб маслаҳат берди. Ўқиш-

га кириш истагида бўлсам, ёрдам беражагини таъкидлади.

1960 йилнинг ноябрида мени ҳарбий хизматга чақирди. Бу ҳақда раисга айтдим. Устоз шунда ҳам ўқиш масаласини еслати. Хизматнинг иккинчи йили уйдан 8 — 10-синф қўлланмаларини қақиртириб олдим. Бўш вақт бўлди дегунча китоб ўқишга ҳаракат қилдим. 1963 йил ёзда ҳарбий қисм раҳбариятининг руҳсати билан (ўша пайтларда шундай қоида бор эди) Душанбе давлат университетига имтиҳон топишишга етиб келдим. Имтиҳонлардан олдин устознинг оқ фотиҳасини олдим. Салоҳиддин Нуриддинов ўша пайтларда вилоят прокуратураси тергов бўлимида прокурор бўлиб ишларди. Имтиҳонларда тўплаган балим кундузги бўлимга

кириш учун камлик қилди. Бир йил кечки бўлимда тахсил олдим, қийинчиликларга бардош бердим. Кейинги йили кундузги бўлимга ўтказишди. Ўқиш давомида ҳар йили уйга келганимда устозни кўриб, суҳбатлашиб, насиҳатларини олиб кетар эдим. Тахсилни тугатгандан кейин ҳам узлуксиз хабарлашиб турардим.

1980 йилларнинг бошида Салоҳиддин Нуриддинов Хоразм вилоят прокурори бўлиб ишларди. У кишини кўргали Урганча бордим. Анча вақт суҳбатлашиб ўтирдик. Кечкурун устоз мени Самарқандга кузатиб қўйди.

Ҳазрати инсон деб, гўзал қалби киши дея шундайларга айтилади. Салоҳиддин Нуриддинов шогирдларининг қувончига шерик бўлиб самимий қувончди, бағрини очарди. Шукрки, ҳали-ҳануз шундай. У кишига ўхшаган қунончақ, софидил инсонлар кўпаяверсин. Шайх Саъдий айтганидек:

Ўзгалар ғамини
чекмаса одам,
Унга ғамини
инсон деган ном.

Шариф ХУРРАМОВ,
прокуратура фахрийси

FUTBOL

Ана шу икки омил Ўзбекистон — Кувайт ўйини тақдирини белгилаб берди десак адашмаган бўламиз.

Кувайт терма жамоасининг бош мураббийи Михай Стойкиц 16 августда, яъни ўйиндан бир кун олдин ўтказилган матбуот анжуманида: «Муҳлислар билан лиқ тўла стадион бизнинг зараримизга хизмат қилмайсиди...» дея хавотирини ошқор қилган эди. Руминиялик мураббийнинг хавотирини ўринли бўлиб қичди ва 17 август кўнги ўйинни томоша қилиш мақсадида «Пактор» стадионига 50 мингга яқин киши тўланди...

Ўйин. 1-тайм.

Хато устига хато...

Ўйин кутилганидек, терма жамоамизнинг ҳужумлари билан бошланди. Жамоа бўлиб олдинга ташланган вакилларимиз, афсуски, ҳимояни унутиб қўйишди. Яхшиям, дарвозабон Сафонов кувайтликларнинг икки аниқ зарбасини қайтаришга эришди. Аммо учинчи бор... Бу гал ҳам ҳимоячиларимиз хатога йўл қўйишди ва меҳмонларнинг 17-рақамли футболчиси Бадр ал-Мутва дарвозамизга гол урди. Бу пайтда ўйиннинг 17-дақиқаси ўтиб борарди.

Муҳлислар 0:1 га енгилатган жамоамиздан «яраланган шер» бўлиб шиддат билан олдинга ташланишни қўтишган эди. Аммо асосан қанотлардан ҳужум уюштираётган жамоамизга шеринг шижоати етишмади. Айниқса, ўнг қанотдан ташил этилган ҳужумлар («ҳужум» дейиш мумкин бўлса!) умуман самарасиз бўлди. Шу қанот янги ҳимоячиси Виктор

Карпенко бирор вазиятда ҳужумчиларга фойдали тўп оширганини кўрмадик. Мана шундай бейфойда ҳужумларнинг бирида Кувайт ҳимоячилари тўпни эгаллаб олиб, уни дарҳол биринчи гол муаллифи Бадр ал-Мутвага етказиб беришди. 20-ўйин бу ҳужумчи қаршисида пайдо бўлган 33-ўйин ҳимоячиси Февзи Давлетовни оsonлик билан алдаб ўтиб, шериги Башар Абдуллоҳ Абдулазизга чиройли пас берди.

Ўз ўрнида Башар ҳам ҳимоячиларимизнинг жиддий қаршилигисиз зарба йўлади — гол! Мана шундан

динвоқеа жойидан узоқда бўлмагани боис ҳаммасини кўрди ва ҳеч қандай қўл қўймай 11 метрлик жарима тўпи белгилади. Пеналтни Желаров амалга оширди ва 40-дақиқа давомида дарвозаси дахлизилгини саклаб турган Ш.Канконе бу зарбадан сўнг тўп ўтказиб юборди. 41-дақиқа, 1:2. Бўлим охиригача бошқа гол кўрмадик.

Икки қадам орқага,
уч қадам олдинга

ЎКИ ЖАНОБ СТОЙКИЦЭНИНГ ХАВОТИРИ ВА БОБ ХОУГТОННИНГ ИККИ ЯШИРИН ҚУРОЛИ

сўнг баъзи асаби нозикрок муҳлис-лар стадионни тарқ эта бошлади. «Шу ўйин бўлса, Кувайт яна гол уриши аниқ» дейишарди улар...

Пеналти ва
қайта уйғонган умид

Юртдошларимиз бу гал марказдан ҳужум уюштиришди. Жарима майдончасига узатилган тўпга ҳужумчи Гейрих етиб бориши керак эди. Уса етолмади, аниқроғи, рақибни уни оёғидан чалиб йиқитиб, бунга йўл қўймади. Бош ҳакам Солих Субҳид-

2-тайм. Омад.

Муъжиза ва чиройли ўйин

Футбол шарҳловчиси Хайрулла Ҳамидовнинг таъбири билан айтганда, Ўзбекистон — Кувайт учрашу-вининг 2-бўлими Ўзбекистон терма-си ўз тарихида ўтказган барча ўйин-лар ичидеги энг яхши бўлим бўлди.

Бунга биринчи навбатда 46- ва 52-дақиқаларда майдонга ташланган икки футболчимиз Анвар Солиев ва Марат Бикматовлар асосий сабабчи бўлишди. Айнаш шу икки футболчи бири ўнг, бири чап қанот бўлиб

бирин-кетин шундай шиддатли «юришлар» қилишдики, бундан рухланган бошқа футболчиларимиз ҳам вазифаларини «аълло»га бажара бошладилар.

58-дақиқада жамоамиз яхши ҳужум ташкиллаштирган эди. Қанотдан жарима майдонига ёриб кирган Н.Ширшов ўзи зарба бериши мумкин бўлган вазиятда тўпни Шайх-хонга узатди. Максимининг қўли зарбасидан сўнг тўп дарвоза устунини титратиб юборди. Лекин муҳлислар галини кўп қўтишмади. 62-дақиқада

Қосимов бурчакдан оширган тўпни айнаш Шайхнинг дарвозага тўғрилаб қўйди: 2:2.

Бу ҳисоб ҳам бизни қониқтир-масди. Шу боис Ўзбекистон ҳужум қилишда яна давом этди.

75-дақиқа. Бикматов бурчак тўпи ишлади.

Бугун ҳам Миржалол тўпни ўйин-га киритди. Рақиб дарвозаси олдида турган Желаров антика услубда тўпни Солиевга ўтказиб юборди ва жамоамизнинг энг омадли ва меҳнатқаш ҳужумчиси тўпни боши билан Канконе дарвозаси сари йўлади! Гол! 3:2! Ҳаммаси истаган, аммо кўнчилигимиз қутмаган ҳодиса юз берди. Ўзбекистон олдинга чиқиб олди.

Ўйиннинг қолган вақти биз муҳ-лислар учун шунчалик имиллаб ўтди-ки... Хайрият, ниҳоят ҳакамнинг фи-нал ҳушшаги янгради ва майдонда футболчиларимиз, ўриндиларда эса муҳлислар бир-бирларини қутлай кетишди.

Биз ҳам курашамиз!

«В» гуруҳда 3-ўринни олган Бах-райн бизнинг «плеф-офф»даги ра-қибимиздир. 3 ва 7 сентябр кунлари бу жамоага қарши бўлajak ўйин-ларда ҳамюртларимизга омад тилаймиз. 3 сентябр кунги Тошкентда бўладиган ўйинга ана минглаб муҳ-лислар термаимизни қўллаб-қувват-лашга келишди деган умиддамиз. Зеро, уларнинг руҳий маддади фут-болчиларимизнинг ниҳоятда муҳим, жудам зарурдир...

Элмурод НИШОНОВ

НУҚУҚ
yuridik gazeta

То'ғсичи:
O'zbekiston
Respublikasi
Bosh
prokuraturasi

Bosh muharrir:

Abdusolliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Bahridin VALIYEV, Abduhalim XOLMAHMATOV, Pirimqul QODIROV, Jahongir SHAROFBOYEV (Bosh muharrir o'rinbosari vazifasini bajaruvchi), Fozil MAMASHARIPOV (mas'ul kotib vazifasini bajaruvchi), Lola SHOMURODOVA, Muxtor SHODMONOV

Tahririyat manzili:

Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34, 133-64-72.
E-mail: Info@huquq.uz.
Faks: 133-64-85, 133-10-53.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 023-raqam bilan ro'yxatga olingan. Nashr ko'rsatkichi — 231, 232

Tahririyatga kelgan qo'yozma va suratlar egalarga qaytarilmaydi. Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «HUQUQ»dan olinganligi ko'rsatilishi shart. Tjorat ahamiyatiga molik materiallar belgisi ostida chop etiladi.

Buyurtma — 761.15385 nusxada chop etiladi. Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.

Navbatdagi muharrir: F. MAMASHARIPOV
Musahhili: A. MUSTAFOYEV

Gazeta «Sharq» NMK boshmaxonasi ofset usulida chop etildi. Korxona manzili: Toshkent shahar, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Boshmaxonaga topshirish vaqti: 20.00. Topshirildi: 17.30. 1 345678

Gazeta
haftaning
chorshanba
kunlari
chiqadi.

Sotuvda
erkin narxda